Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2022-YIL 1-IYUL, JUMA № 25 (1392)

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

электрон газетанинг QR кодини ўзингизга юклаб олинг!

Жамоатчилик муҳокамаси

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР:

## МАЗМУН-МОҲИЯТИ, ЗАРУРАТИ, УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

3

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев “снос” муаммосига эътибор қаратар экан, бундай ҳолатга бутунлай барҳам бериш учун уй-жой бўйича конституциявий кафолатни белгилаб қўйиш зарурлигини таъкидлади.**

**“Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонуннинг имзоланиши бунинг амалий ифодаси бўлди.**

**Адлия вазири Русланбек ДАВЛЕТОВ ушбу қонун ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.**

# ЭНДИ ҲЕЧ КИМ ОСОНЛИКЧА



# БИРОВНИНГ УЙИНИ “СНОС” ҚИЛА ОЛМАЙДИ!

– Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг демократик жараёнлар чиғириғидан муваффақиятли ўтган қонун халқимизни бир неча йилдан буён қийнаб келган муаммоларга барҳам беришига ишонамиз.

Бундай дейиш учун асосларимиз етарли. Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига асос бўладиган мақсадларнинг тугал рўйхати тасдиқланмоқда. Энди қонунда белгиланган, ҳақиқатан ҳам, жамоат эҳтиёжи бўлган 6 та мақсаддан бошқа ҳар қандай ҳолатларда ер участкаларини олиб қўйишни жамоат эҳтиёжлари учун деб баҳолаш тақиқланди.

Қонуннинг яна бир ютуғи шундаки, ер участкаси жамоат эҳтиёжларини амалга ошириш учун бошқа чора бўлмаганда – энг сўнгги чора сифатидагина олиб қўйилиши мумкин.

Муҳими, ташаббускор ер участкасини олиб қўйиш сўнгги чора эканлигини маҳаллий кенгаш ва жамоатчилик олдида исботлаб бериши керак бўлади.

Энди “снос”га тушган бино учун компенсация тўлашга зарур маблағ бўлмаса, бундай ташаббус билан чиқилмайди, яъни *“бузаверайликчи компенсация бир гап бўлар”*, қабилидаги гаплар энди ўтмайди.

Ер участкасини олиб қўйиш ташаббусини маъқуллашдан бошлаб, уни олиб қўйиш, олиб қўйилган ер участкасидаги кўчмас мулкларни бузишгача бўлган жараёнларда ушбу масала маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан нақд 3 маротаба кўриб чиқилади. Бунда Конституцияга киритилаётган маҳаллий кенгаш ва ҳокимлик ваколатлари аниқ ажратиб қўйилаётганини инобатга олсак, ташаббускорларнинг бузиш жараёнларини “тезлаштириб” юбориши борасида хавотирга ўрин қолмайди.

Қонуннинг энг асосий принципларидан бири – бу жараённинг очиқлигидир. Шунга монанд равишда ҳуқуқ эгалари билан очиқ муҳокама ўтказишдан бошлаб, қолган ҳар қандай босқичда жараёнлар 100 фоиз очиқ, яъни ҳуқуқ эгалари, ОАВ, жамоатчилик иштирокида ўтказилади.

Ҳуқуқ эгаси билан келишувга эришилмаган тақдирда, ҳуқуқ эгасини келишувни имзолашга жисмонан мажбур қилиш мақсадида турар ёки нотурар жойни сув, канализация, электр, алоқа, иссиқлик ва газ тармоқларидан узиб қўйишга, кириб-чиқиш йўлини тўсиб қўйишга йўл қўйилмайди.

Энди қуйидаги ҳуқуқлар компенсация қилиб берилиши аниқ қилиб белгилаб қўйиляпти:

*– кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;*

*– олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати (қишлоқ хўжалиги ерларидан ташқари);*

*– кўп йиллик дов-дарахтларнинг бозор қиймати;*

*– кўчиш ва бошқа уйни вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;*

*– ер участкасидан ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган бой берилган фойда;*

*– ҳуқуқ эгасининг бошқа харажатлари ва зарарлари.*

Ҳатто кўпчилик давлатларда мавжуд бўлмаган янги турдаги тўлов компенсацияси киритилмоқда. Ҳуқуқ эгасига келтирилган ноқулайликлар учун кўчмас мулк бозор қийматининг 5 фоизи миқдорида бир марталик тўлов амалга оширилади.

Яна бир муҳим кафолат шундан иборатки, ҳуқуқ эгасига қонуний тегишли бўлган ерда ўзбошимчалик билан қурилган турар ва нотурар жойлар учун ҳам компенсация тўлиқ берилади.

Бундан ташқари, бузишга тушганда компенсация бериладиган уй-жойлар кўлами кенгайтирилди – энди агар аҳоли пункти ичида жойлашган, лекин кадастри бўлмаган уйлар бузилса ҳам, агар ушбу ер бўйича 15 йилдан ортиқ солиқлар тўлаб келинган бўлса, компенсация тўланади. Таъбир жоиз бўлса, ушбу қонун 3 миллионга яқин ҳужжатсиз уйларни бузилишдан “суғурталайди”.

Эндиликда “снос” билан боғлиқ барча ҳуқуқий жараёнлар электрон тизимлар орқали амалга оширилади.

**ЎзА мухбири**
**Норгул АБДУРАИМОВА**

# МЕҲР ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ



“Эртага – фалон жойда муҳим тадбир. Ким боради?” деб гап бошласангиз, айрим йигитлар нигоҳи билан ер чиза бошлайди. Европа мамлакатларига хизмат сафари ёки сайру саёҳат эмас-да. Расмий тадбир. Тоғдек масъулияти, юки бор. Шунда биз нозиккина, ойнаги қалингина, камсуқум ҳамкасбимизга қараймиз: “Сиз нима дейсиз, Анна Витальевна?” “Бош устига!”

5



**«Адолат» социал-демократик партияси «Ёш адолатчилар» қаноти аъзоларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ёшлар куни муносабати билан «Адолат кубоги» шахмат турнирини ўтказди. Партия томонидан Чирчиқ шаҳридаги 7-мактабда ташкил этилган тадбир ёшларнинг билим ва салоҳиятини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.**

**«Адолат кубоги» учун ўтказиладиган мусобақанинг очилиш маросимида «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов, Тошкент вилоят кенгаши раиси Бобур Мамиров, партия фаоллари ва ёш шахматчилар иштирок этдилар.**

# Байрам муборак бўлсин!

*Азиз ёшлар!*

*Сизларни, «Адолат» социал-демократик партияси ва унинг кўп минг сонли аъзолари номидан қутлуғ сана – Ёшлар куни муносабати билан самимий муборакбод этамиз!*

*Айни даврда мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Сиз каби азму шижоатли ёшларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради.*

*Фурсатдан фойдаланиб, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида ўз кучини аямайдиган барча ёшларни бугунги байрам билан яна бир бор қутлаб, Сизларга сиҳат-саломатлик, ҳаёт йўлларингизда каттадан-катта омад ва зафарлар тилаймиз. Доимо олға интилишдан чарчаманг!*

*Ёшлар куни муборак бўлсин!*

**“Адолат” социал-демократик партияси**
**Сиёсий Кенгаши**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, журналистика соҳасини ривожлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

а) **2022 йил 1 июлдан бошлаб 2025 йил 1 июлга** қадар:

оммавий ахборот воситалари **фойда солиғини** белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан **50 фоиз** камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди, реклама хусусиятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган матбаа ускуналари, замонавий фото ва радиотелевизион ускуналар ҳамда қоғоз **божхона божидан озод этилади;**

б) 2023 йилдан бошлаб тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа муассасаларга **110 нусха** даврий босма нашрлар ва **67 нусха** китоб маҳсулотларининг **мажбурий бепул нусхаларини юбориш амалиёти бекор қилиниб,** улар томонидан босма маҳсулотларни **харид қилиб олиш тартиби жорий қилинади** (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бундан мустасно). Бунда, тегишли давлат органлари томонидан харид қилиб олиш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратилади;

в) бюджет ташкилотларига улардаги "кутубхона фонди" харажат моддаси орқали **даврий босма нашрлар,** уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига **обуна бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилади.**

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 октябрдан** бошлаб **болалар учун мўлжалланган теле- ва радиомаҳсулотларни ишлаб чиқариш** ва **эфирга узатиш** бўйича **ҳар йили энг яхши 30 та лойиҳа** учун ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараварига миқдорда бўлган танлов эълон қилинади. Бу борадаги харажатлар Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Фаол журналистларни мунтазам рағбатлантириш ва улар ўртасида ижодий соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида **ҳар чоракда:**

оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган **100 тагача энг яхши материал** учун муаллифлар (ижодий гуруҳ аъзолари) қуйидан юқорига ўсиб бориш тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади;**

амалий ва долзарб аҳамиятга эга бўлган **100 тагача энг яхши таҳлилий материални тайёрлаш** ва оммавий ахборот воситаларида **эълон қилиш** учун давлат **грантлари** ва давлат **ижтимоий буюртмаларини** бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) энг яхши материалларни **кенг жамоатчилик ва малакали мустақил экспертлар томонидан очиқ ва шаффоф усулда электрон аниқлаш тизими** – махсус электрон платформани ишга туширсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. 2023 йилдан бошлаб журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловни **демократик тамойиллар асосида янада очиқ ва шаффофлик** билан ўтказишга эътибор қаратилсин, шунингдек, **"Олтин қалам" миллий мукофоти совриндорлари:**

бош миллий мукофот учун – автомобиль;

биринчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари;

иккинчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 175 баравари;

учинчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари;

12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бири учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирлансин.

Белгилансинки, "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар "Илҳом" жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **барча давлат органлари ва ташкилотлари** ўз муассислигидаги **даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шакли,** шу жумладан, **мобиль иловалари** тегишли давлат органлари ва ташкилотларига 2022-2024 йилда ажратилган Давлат бюджети ҳамда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилишини ташкил этади, кейинги йилларда уларни модернизация қилиш учун маблағ ажратиб боради;

б) 2023 йил январдан бошлаб:

давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганига камида икки йил бўлган **даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шаклини,** шу жумладан, уларнинг **мобиль иловаларини яратиш** ҳамда **модернизация қилиш** ва бир йил давомида **юритиш харажатларини қоплаш учун** 2026 йил 1 январга қадар **ҳар йили энг яхши 20 та лойиҳа** бўйича танлов эълон қилинади. Бунда, ҳар бир танлов учун Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган миқдорда маблағ ажратилади;

даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига **масофадан туриб обуна бўлиш** ва уларнинг буюртмачигача **ўз вақтида етказиб берилишини** кузатиб бориш имконини берадиган **"Обуна" ягона электрон платформаси,** шу жумладан, унинг **мобиль иловаси** яратилади;

2026 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар томонидан "Обуна" ягона электрон платформаси орқали обуна қилинган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп даврий босма нашрлар обуна нархининг **10 фоиз, болалар учун мўлжалланган** даврий босма нашрлар обуна нархининг **20 фоиз** миқдори **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** обуначиларнинг банк карталарига бир ой муддат ичида **қайтарилади ("Cashback"),** реклама хусусиятига эга бўлган даврий босма нашрлар бундан мустасно. Бунда, ушбу харажатлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) 2022 йил якунига қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан "Обуна" ягона электрон платформаси, шу жумладан, унинг мобиль иловасини яратсин ва **электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилсин** ҳамда унинг доимий равишда модернизация қилиниши, техник қўллаб-қувватланиши ва фаолият юритишини таъминласин.

6. Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнини амалиёт билан **интеграция қилиш,** кадрларнинг **малакасини ошириш** ва журналистларнинг **хорижий тилларни ўрганишини рағбатлантириш** мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича таълим берадиган профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолалари уларни моддий рағбатлантириш нуқтаи назаридан илмий мақолага тенглаштирилади;

б) оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, матбаа корхоналари ва ахборот хизматларида камида беш йил ишлаган ҳамда ушбу йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларида дарс бераётган, **Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига эга бўлган** шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра 1-иловага мувофиқ профессор ва доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга тенглаштирилади;

в) олий таълим муассасалари ректорларига журналистика соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнига оммавий ахборот воситаларининг таниқли ва тажрибали ходимларини, соҳанинг етук мутахассисларини жалб қилиш ва улар меҳнатини олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **қўшимча рағбатлантириш** ҳуқуқи берилади;

г) **журналистика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари кафедраларининг ихтисослаштирилган бўлимлари** 2-иловага мувофиқ ташкил этилади;

д) оммавий ахборот воситаларида **камида бир йил** давомида асосий иш жойи сифатида ишлаб келаётган журналистлар ва таҳририят ходимларининг:

**хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи,** бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаган қисми компенсация қилинади. Бунда, улар хорижий тиллар бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши ҳамда нодавлат таълим ташкилотида ўқиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни исботловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим;

хорижий тиллар бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиш учун **имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ компенсация** қилинади.

Бунда, ушбу "д" кичик бандда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси олий органи қарори билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси **Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси** деб қайта номланганни маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Белгилансинки, **2023-2024 йилларда 50 нафар журналист ва таҳририят ходимлари** хориж мамлакатларига малака ошириш, тажриба ўрганиш, стажировка ўташ ва нуфузли медиа тадбирларда иштирок этиш учун юборилади ҳамда улар учун хорижлик малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда ўқув курслар ташкил этилади. Бу борадаги тегишли харажатлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **ҳар йили** Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг тегишли ҳудудий бўлимлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, сақлаш харажатларини қоплаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан белгиланган тартибда **субсидия** сифатида маблағ ажратиб бориш чораларини кўрсин.

8. Журналистларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг қуйидагиларни уюшма томонидан амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

журналистлар ва давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида **юзага келган низоларнинг судгача ҳал этилишига кўмаклашиш;**

журналистларнинг профессионал фаолиятига тааллуқли **жиноят ишлари бўйича** иш юритишда уларнинг **жамоатчилик ҳимоячилари** сифатида қонунда белгиланган тартибда иштирок этиш;

теле- ва радиоканалларнинг бадиий кенгашлари фаолиятига жалб қилинган малакали экспертларни Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан доимий равишда рағбатлантириб бориш.

9. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси олий органи қарори билан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси **Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси** деб қайта номланганни маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси томонидан тавсия этилган медиа лойиҳаларни амалга ошириш режаларига мувофиқ вазирлик, идора, ташкилот ва ҳокимликларга уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шартнома асосида медиа маҳсулотлар яратиш, уларни реализация қилиш ҳамда бошқа медиа лойиҳаларни амалга оширишга рухсат берилади.

10. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига оммавий ахборот воситалари учун грантлар, ижтимоий буюртмаларнинг **сони** ва **миқдорини ошириб бориш** ҳамда бу борада **алоҳида танловлар** ўтказиш тавсия этилсин.

11. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов), Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) билан биргаликда уч ой муддатда телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш, телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун белгиланган **давлат божи миқдорини 50 фоизгача камайтириш** ҳамда уни **йил давомида бўлиб-бўлиб** тўлашни жорий қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, қуйидагилар учун давлат божининг алоҳида миқдорлари назарда тутилади:

телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш;

мамлакат миқёсида телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) ёки ҳудудий телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш);

радиоэшиттиришларни тарқатиш.

12. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй манзилида жойлашган "Матбуот уйи" бино ва иншоотлари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин.

Белгилансинки, ушбу бинога даврий босма нашрларнинг таҳририятлари ижара ҳақи тўламасдан (коммунал тўловлар ва кўрсатиладиган бошқа хизматлар бундан мустасно) жойлаштирилиши мумкин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артикходжаев) Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М.Бобоев), Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда:

ушбу қарорнинг 12-бандида келтирилган бино ва иншоотлар ҳамда уларга туташ ҳудудда **замонавий медиа шаҳарча** ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритсин;

ушбу лойиҳа бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун 2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган ва ўзлаштирилмаган маблағлар ҳисобидан етарли миқдорда маблағ ажратиш чораларини кўрсин.

Замонавий медиа шаҳарча лойиҳаси якунига етказилгунига қадар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ўз фаолиятини Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган бинода давом эттирсин.

14. **2022-2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига дастурда белгиланган вазифаларнинг **ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул** эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги "Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ–3184-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошисидаги, 5-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 10-бандидаги ҳамда қарорга 1-илованинг ўн бешинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги "Журналистлар ижодий уюшмаси" сўзлари тегишли келишикдаги "Журналистлар уюшмаси" сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги "Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3195-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **А.А.Абдухакимов** ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори **А.А.Ходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Ш.И.Асадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 27 июнь

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР:

# МАЗМУН-МОҲИЯТИ, ЗАРУРАТИ, УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1

Жамоатчилик муҳокамасида Фанлар академияси раёсати, илмий-тадқиқот институтлари устоз олимлари, ёш тадқиқотчилари иштирок этдилар. Конституциявий комиссия раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази директори, академик Акмал Саидов сўзга чиқиб, конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, зарурати, устувор йўналишлари тўғрисида фикр билдирди.

Сўзга чиққанлар 2021 йилнинг 7 декабрида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида Асосий қомусга жамият ҳаёти учун ўта муҳим бўлган йўналишлар бўйича ўзгартиришлар киритиш таклиф этилганлигини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кенгашларининг 2022 йил 20 майдаги қўшма қарори билан Конституцияга ўзгартириш киритиш юзасидан 46 кишидан иборат Конституциявий комиссия тузилганлигини, Комиссия таркибига депутатлар, сенаторлар, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан вакиллар, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва бошқа мутахассислар киритилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Конституциявий комиссия фаолияти “жамият – ислоҳотлар ташаббускори” деган ғоя асосида ташкил этилганлиги, аҳолининг барча қатламларидан Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар олинганлиги, ягона конституциявий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги эътироф этилди.

Мамлакатимизда конституциявий ислоҳотлар ўтказиш зарурати юзага келганлиги, инсонлар онгида туб ўзгаришлар рўй бергани, халқимиз конституциявий ислоҳотларда фаол иштирок этаётганлиги, Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича олтмиш мингдан ортиқ таклиф ва тавсиялар тушганлиги, халқимиз ўз тақдири, келажагига умид билан қараётгани муҳокама иштирокчилари чиқишларида баён этилди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси эълон қилингани, лойиҳада Асосий қонуннинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартишлар киритиш ҳамда 16 та нормани ўз ичига олган 6 та янги модда (прим-моддалар) қўшиш таклиф этилгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Илмий жамоатчилик конституциявий ислоҳотларнинг бош мақсади – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи эканлигини, Конституцияда инсон ҳуқуқларини амалда таъминлашнинг мукаммал механизми яратилиши, инсон – давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозимлиги тўғрисида фикр билдирдилар.

Президент томонидан Ўзбекистонда ўлим жазосини тақиқлаш тўғрисидаги нормани киритиш, шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шартлигини талаб қилувчи “Миранда қоидаси”нинг қўлланиши, шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслигини назарда тутувчи “Хабеас корпус” институти қоидаларининг Конституцияда ифодаланиши шахс ва инсон дахлсизлигини таъминловчи муҳим восита бўлиши уқтирилди.

Муҳокамада “инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқлиги, ижтимоий давлат – ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат модели эканлиги, ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутиши, у шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратишни талаб қилиши, жамиятнинг ҳар бир меҳнатга лаёқатли аъзоси ишсизликдан ҳимояланиши, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам давлатнинг асосий ижтимоий вазифаси эканлиги ва мазкур қоидаларнинг Асосий қонунда мужассамланиши Ўзбекистоннинг ижтимоий қиёфаси тубдан ўзгаришига олиб келиши кенг муҳокамага сабаб бўлди.

Тадбирда Конституцияда ҳар ким давлат таълим ташкилотларида танлов асосида бепул олий маълумот олишга ҳақли эканлиги, олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари қонунда белгиланган доирада ўзини ўзи бошқариш, академик эркинлик, шунингдек, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги, давлат илм-фанни ривожлантиришга, жаҳон илмий ҳамжамияти билан илмий алоқалар ўрнатишга кўмаклашиши ҳамда илмий ва техникавий ижод эркинлигидан ташқари, бадиий ижод эркинлиги берилиши ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатларнинг кучайтирилиши, мулкдор суд қарорисиз, ўзининг розилигисиз, адолатли товон пулисиз мулкидан маҳрум этилмаслиги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқмаслик ҳамда бекор қилмаслик масаласи ҳам конституциявий қоида сифатида белгиланиши, иқтисодиётимизни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлган тадбиркорликнинг ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш бирламчи вазифа ҳисобланишига алоҳида урғу берилди.

*Жамоатчилик муҳокамаси якунида конституциявий тузатишлар, биринчи навбатда, жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб бўлган фуқароларнинг муайян шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини кафолатли тарзда таъминлашга, ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларга айланиши таъкидланди.*

**Ўз мухбиримиз**

**Инсонлар қаерда туғилганидан, қаерда яшашидан, ирқидан, миллатидан, келиб чиқишидан, жинсидан, тилидан ва бошқа анатомик белгиларидан қатъи назар битта – одам оиласига мансуб ва барча ҳуқуқларда тенг яратилган. Аммо бу тенгликка нечоғлик амал қилиш даражаси у яшаб турган жамият ва ундаги ҳуқуқий муҳит билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли ҳам, инсоният битта оила таркибида бўлса-да, турли мамлакатларда, турли даврларда ҳар хил шароитларда яшаб келмоқда.**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган даврга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир инсоннинг тенг ҳуқуқли шароитларда яшаши учун босқичма-босқич ҳуқуқий механизмлар такомиллаштириб борилмоқда. Айниқса, жорий йил инсон қадрини улуғлаш мақсади билан тарих саҳифаларига кирди. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясидан ўрин олди.



**Абдукамол РАХМОНОВ,**
**“Адолат” СДП**
**Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари**

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни – Конституцияда инсон қадрини оширишга оид меъёрларни янада такомиллаштириш ва кучайтириш мақсадида бошланган конституциявий ислоҳотлар халқимиз томонидан кўтаринки кайфият билан қўллаб-қувватланмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига ўттиз йил тўлмоқда. Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги 30 йиллик мустақил ҳаёт тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирди. Албатта, ушбу улуғ мақсадлар сари бошланган ривожланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтиш осон кечмади. Аммо Ўзбекистон халқи танлаган тўғри йўл ва олиб борилган оқилона сиёсат йиллар давомида ўз самарасини бериб келмоқда. Инсон қадр-қимматини оширишга доир ислоҳотлар йил сайин қулоч ёймоқда.

Конституциявий ислоҳотларнинг энг асосий устувор вазифалари – инсон манфаатини тўғридан-тўғри ва самарали ҳимоя қилишга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини, шахсий, мулкий ва маънавий дахлсизликларининг сўзсиз таъминланишига қаратилганлиги билан эътиборга моликдир.

Бир неча минглаб фуқароларимизнинг таклифлари асосида шакллантирилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида олтмишдан ортиқ нормалар қатори “Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади” деган норманинг киритилиши инсон ҳаёти янада ишончли ҳимоя қилинишига қаратилганлиги билан ҳам эътибор тортади, унинг халқчиллигини оширади.

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги фармони билан 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят қонунчилигидан ўлим жазоси бутунлай олиб ташланиб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилган эди.

Мамлакатимизда ўлим жазосидан воз кечилганлиги бежиз эмас.

Биринчидан, **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида ҳар бир инсон учун яшаш ҳуқуқи берилган. Биз инсонпарвар демократик давлат учун шундай муқаддас ҳуқуқдан жазо тариқасида маҳрум этиш конституциявий демократик давлат тамойилларига ҳам, инсонпарвар давлат тамойилларига ҳам мос келмайди.**

Иккинчидан, **Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қоидаларига кўра, яшаш ҳуқуқи табиий ҳуқуқ, бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрь кунги қарори билан ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси мезонларига зид ҳисобланади.**

Учинчидан, **биз мустабидлик йилларининг мудҳиш кунларини, 1937–1953 йиллар оралиғида юз мингга яқин ватандошларимиз қатағон қилинганлигини, уларнинг 13 минг нафари отиб ташланганлигини, “пахта иши” билан боғлиқ қатағон йилларини унутганимиз йўқ. Масалан, “пахта иши” билан боғлиқ уйдирмалар оқибатида ватандошларимиз орасида ноҳақ ўлим жазосига ҳукм қилинганлар бўлди. Уларга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилган вақтда ҳукм ижро этилиб бўлинганлиги қасдлар, хатолик ёки бефарқликлар билан ҳам инсон умрига завол бўлиш мумкинлигини тарихимиз кўрсатиб турибди.**

Тўртинчидан, **инсонларни ўлим жазоси билан қўрқитиш орқали улар устидан зўравонлик қилиш механизми бутунлай ва ишончли барҳам топади.**

Бешинчидан, **ўлим жазоси фақатгина қисқа муддатли жисмоний жазо ҳисобланса, умрбод қамоқ жазоси йиллар давомида ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам руҳий азобланишни тақозо этади.**

*Бир сўз билан айтганда, Конституциямизда “Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади” деган норманинг қатъий белгилаб қўйилиши инсон ҳуқуқларига содиқлигимизни, инсон қадрини улуғлашга қўйган катта ва залворли қадамимизни яққол намоён этмоқда. Зеро, табиатнинг гултожи бўлган инсон умри инсонпарвар Янги Ўзбекистонда олий мақомда ва дахлсиздир.*

**Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг кўламли вазифалар, халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислоҳотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирмоқда.**

Ўтган давр мобайнида жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар бўлди. Бу эса Бош қомусимизда “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилларини мустаҳкамлаш, турли ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатлари бош мезон бўлишини таъминлаш, хусусий мулк дахлсизлигини, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини, фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини конституциявий даражага кўтариш, давлат ҳокимияти асосларини такомиллаштириш долзарблигини кўрсатмоқда.

Конституциявий комиссия томонидан аҳоли фикр ва таклифларини қабул қилиш ишлари тизимли йўлга қўйилди. Натижада, юртимизда олиб борилаётган конституциявий ислоҳотларда нафақат олимлар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар, балки фуқароларнинг ўзи ҳам бевосита иштирок этди.

Билдирилган таклифларнинг таҳлили халқимизнинг мамлакатда бўлаётган кенг кўламли ўзгаришларга бефарқ эмаслигини, фуқаролар ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлишга интилаётганлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, конституциявий қонун лойиҳаси Конституциямизнинг 60 дан ортиқ тузатишларини назарда тутмоқда. Конституцияга ўзгартишлар "инсон – жамият – давлат" принципига асосланган бўлиб, миллий конституциявий ўзликни акс эттиради ва амалдаги Конституциямизнинг барча бўлимларига туб ўзгартишлар киритишни назарда тутади. Таъкидлаш лозимки, конституциявий тузатишлар, авваламбор, жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб бўлган фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлашга, ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларга айланади. Эътибор берайлик, Ўзбекистон ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий демократик давлат эканлиги белгилаб қўйилмоқда. «Инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади» эканлиги белгиланмоқда. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аввало “Инсон қадри учун” деган тамойилни рўёбга чиқаришга қаратилган.

Фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий ва экологик ҳуқуқларини, шу жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқларини конституциявий жиҳатдан кафолатлашни кучайтиради.

Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан турли чекловлар ўрнатиш, шунингдек, уларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бўйин товлаш тақиқланмоқда, давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини оширишга, уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг равишда иштирок этиши учун шароитлар яратишга ҳамда ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кўриши шартлиги белгиланмоқда.



**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Бир сўз билан айтганда, янгиланаётган Конституцияга киритилаётган халқчил ва ҳаётий таклифлар инсон қадр-қимматини улуғлаш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади ҳамда Янги Ўзбекистонимиз халқимиз кутаётган даражада барпо этилишига хизмат қиладиган конституциявий-ҳуқуқий макон яратилади.

**Инсон саломатлигини сақлашда тиббий хизматларни ҳар томонлама мақбул, аҳоли учун сифатли ва молиявий жиҳатдан имконли қилиш муҳим саналади. Тиббий хизматларни тақдим этишда тиббий муассаса, шифокор ва беморнинг ўзаро муносабатларини юзага келтириш, беморларнинг тиббий муассасада даволанишлари учун зарурий шароитни яратиш турли усулларда ташкил этилади. Ана шундай усуллардан бугунги замонавий тиббиётда энг самарали деб баҳоланаётгани тиббий суғурта ҳисобланади.**

Соғлиқни сақлаш тизими харажатлари юки давлат ва фуқароларнинг шахсий маблағларига тушмаслигини таъминлаш, бунда тиббий суғуртадан фойдаланиш кўплаб давлатларда кенг амал қилинаётган ва ўзини оқлаб келаётган механизм саналади. АҚШ, Германия, Франция, Канада каби мамлакатларда тиббий суғуртага асосланган соғлиқни сақлаш тизими жорий қилинган.

Тиббий суғуртада суғурталовчи нафақат суғурталанган шахснинг даволаниш билан боғлиқ харажатларини қоплайди, балки унинг тегишли тиббиёт муассасасида даволаниши ҳамда малакали шифокорлар томонидан муолажалар олиши учун тегишли ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш мажбуриятини ҳам олади. Тиббий суғурта келгусида юз бериши мумкин бўлган хавф-хатар оқибатини юмшатишга қаратилган ҳуқуқий механизм бўлиб, уни қўллаш орқали суғурталанган шахснинг малакали ва сифатли тиббий хизматга бўлган эҳтиёжи таъминланади.

Суғурта, хусусан, ижтимоий суғурта ва унинг бир тури сифатида тиббий суғуртага оид қоидалар айрим давлатларнинг конституцияларида белгиланган. Масалан, Россия Федерацияси Конституциясининг 39-моддаси 3-қисмида “**Ихтиёрий ижтимоий суғурта, ижтимоий таъминот ва хайриянинг қўшимча шаклларини яратиш қўллаб-қувватланиши**” назарда тутилган. Айнан шундай норма Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси 2-қисмида ҳам мавжуд.

Бундан фарқли равишда Украина Конституциясининг 49-моддасида “**ҳар бир инсон соғлиғини сақлаш, тиббий ёрдам олиш ва тиббий суғурта қилдириш ҳуқуқи эга**”лиги белгиланган. Тиббий суғуртага оид нормалар Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Озарбайжон Конституциясининг 41-моддаси 2-қисмида белгиланишича, “**давлат тиббий суғуртанинг турли шакллари учун имконият яратади**”. Туркия Конституциясининг 56-моддасида тиббий хизмат муассасаларининг кенг тармоғини йўлга қўйиш учун умумий тиббий суғурта қонун билан белгиланади.

Кўриниб турибдики, бир қатор мамлакатларда тиббий суғурта аҳолининг соғлиғини сақлашда давлат маблағларини сарфлашга нисбатан муқобил усул сифатида кенг қўлланилади. Бунда тиббий суғурта соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан молиялаштиришга бўлган катта миқдордаги харажатларини камайтириш билан бирга, соғлиқни сақлашнинг сифатини оширишга ҳам хизмат қилади.

Шу сабабли тиббий суғуртанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини Конституция даражасида ифодалаш ушбу соҳа ривожига туртки беради ва аҳолининг сифатли тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришга хизмат қилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, “**Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги қонун лойиҳасининг 40-моддасига қуйидаги банд киритилди: **“Давлат соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимларини ривожлантириш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, тиббий суғуртанинг турли шаклларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўради”.**

Суғурта борасида киритилган ушбу таклиф жуда ҳам ўринли ва барча замонлар учун долзарб аҳамият касб этади. Тиббий суғуртанинг шакллари деганда ихтиёрий, мажбурий ҳамда мажбурий давлат суғуртаси назарда тутилмоқда. Суғурта тизимида ҳар бир суғурта шаклининг ўз ўрни, ўз суғурталанувчи шахслар доираси мавжуд. Бу жамиятдаги барча қатламларни суғурта муносабатларига жалб қилиш имконини яратиб, аҳолига тўлиқ малакали тиббий хизматлар кўрсатишни кафолатлайди.

**Мансуржон БОЛТАЕВ,**
**Тошкент давлат юридик университети доценти,**
**юридик фанлари доктори**

## Депутат ташаббуси



# ЁШЛАР ТАРИХ БИЛАН ЮЗЛАШДИ

**Халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши депутати Ўрол Шерхонов ташаббус билан чиқди. У болалар ёзги дам олиш кунларини мароқли ўтказишини таъминлаш мақсадида тумандаги 65-сонли умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиларидан 25 нафарига ўз ҳисобидан Термиздаги тарихий обидалар ва зиёратгоҳларга саёҳат ташкил қилди.**

Саёҳат ислом оламининг буюк алломаси Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳидан бошланди. Манбаларда Ҳаким ат-Термизийнинг 400 дан ошиқ асарлар ёзганлиги, бу асарлар дунёвий ва диний илмларнинг турли соҳаларига бағишланганлиги хусусида маълумотлар берилган. Шу асарларнинг 50 дан ошиғи бугунги кунларгача етиб келган. Булар орасида “Адаб ан-нафас” (“Нафс одоби”), “Ал-амсал” (“Масалалар”), “Арш ал-муваҳиддин” (“Ягоналик чўққиси”), “Ал-фуруқ” (“Фарқлар”), “Ал-ҳуқуқ” (“Ҳуқуқлар”), “Маърифат ал-асрор” (“Билиш сирлари”), “Тарих ал-машойих” (“Шайхлар тарихи”) ва бошқа асарлари Лейпциг, Берлин, Париж, Анқара, Лондон, Готтинген, Дамашқ, Рим, Штутгарт, Тошкент ҳамда бошқа кўплаб шаҳарлар кутубхоналарида сақланмоқда. Аллома ўз даврида халқ орасида ҳакимлик унвонидан ташқари муҳаддис, ҳофиз, зоҳид, имом, муаззин, саййид, хожа, ориф, шайх, вали сингари улуғвор нисбатлар билан ҳам сийланган. Бу ҳам алломанинг илм-фан оламида ғоят етук мутафаккир даражасига эришганлигини кўрсатади. Саёҳат давомида мутахассислар буюк олим тўғрисида ўқувчи ёшларга ана шундай маълумотларни бердилар.

*– Саёҳатдан кўзланган асосий мақсад ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини ва ота-онага меҳр-муҳаббатни шакллантириш бўлиб, Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларга экскурсиялар уюштирилиши орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилди,* **– дейди халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши депутати Ўрол Шерхонов.** – *Саёҳат давомида ёшлар тарихий обидалар, улуғ алломалар номлари билан боғлиқ Султон Саодат, Кокилдор ота хонақосини зиёрат қилди ҳамда Термиз археология музейида бўлдилар. Бундай тадбирларни йил давомида амалга ошириш белгиланган. Шу билан бирга Бухоро, Хива ва Самарқанд шаҳарларига ҳам саёҳатлар ташкил этишни режалаштирганмиз. Бу каби тадбирлар ёшлар маънавияти ва салоҳиятини ривожлантиришга ҳамда уларнинг ёзги таътил вақтларини мароқли ўтказишларида муҳим аҳамият касб этади.*

Бир сўз билан айтганда, саёҳат мароқли ўтди. Ёшлар тарих билан юзлашди.



**Гулшод ТУРСОАТОВА,**
**Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби**

## Партия ташаббуси билан

Гиламдўзлик Ўзбекистонда қадимдан санъат даражасигача кўтарилган ҳунар ҳисобланади.

Қўлда гилам тўқиш сабр, қунт ва матонат талаб қилувчи меҳнатдир. Дизайнер яратиб берган нақш эскизи асосида ўртача катталикдаги гиламлар 6 ойдан 2 йилгача тўқилади.

# Хотин-қизлар ҳунарли бўлишмоқда

"Адолат" СДП Боёвут туман кенгаши раиси А.Шомирзаев ташаббуси билан Боёвут туман “Сармич” МФЙ ҳудудида ташкил этилган гиламдўзлик ўқув курсида ишсиз хотин-қизлар касб ўрганмоқда. Ўқув курсига касб-ҳунарга эга бўлмаган ишсиз, ижтимоий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар жалб қилинган бўлиб, ўқув курсини томомлагандан сўнг мутахассислиги бўйича сертификат оладилар. Сертификат соҳибасига субсидия асосида гиламдўзлик станоги олиб берилиб, “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури асосида иш билан бандлиги таъминланади.

Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим омили эканлиги, уларнинг муаммоларини доимий равишда ҳал этиш муҳимлигини англаган ҳолда "Адолат" СДП Боёвут туман кенгаши маҳаллаларда 200 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож, касб-ҳунарга эга бўлмаган ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашни режа қилган.

Тўқилган гиламлардаги ҳар хил нақшлар ва турли гуллар ҳам ўзининг мантиқий маъноларига эга. Бахт, серфарзандлик, бойлик ва фаровонлик тимсоллари гиламларда ўз аксини топмоқда.

Шу боис гиламдўзликда ўқувчи қизлар Саодат Раббимқулова, Фарида Эшонқулова, Муқаддам Бийтураева, Шоира Исмоилова, Наргиза Эгамбердиева томонидан “Адолат” СДПдан миннатдорлик рамзи сифатида партия байроғи гиламга муҳрланмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, табиий бўёқлардан фойдаланиб, қўлда тўқилаётган гиламлар бир неча аср хизмат қилади.

**Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати**

# БАНДЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ



**“Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши томонидан “Ишга марҳамат” мономаркази биносида “Янги Ўзбекистоннинг тинчлиги, фаровонлиги ва тараққиёти йўлида бирлашайлик” шиори асосида “Ёшлар бандлиги таъминлаш – юрт равнақи гарови” мавзусида тадбир ташкил этилди.**

Унда партиянинг халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлари ва фаоллар, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Навоий вилоят бошқармаси, вилоят хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, Навоий шаҳар ҳокимининг маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, Навоий шаҳар МФЙдаги ёшлар етакчилари, Навоий шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, «Ишга марҳамат» мономаркази вакиллари, кенг жамоатчилик, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Партия вилоят кенгаши раиси Рустам Ҳайитов мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш борасида Ватанга садоқатли хизмат қиладиган ёшларни тарбиялаш, фарзандларимизнинг бугунги интилиш ва истакларини тўлақонли қўллаб-қувватлаш барча ҳудудий партия ташкилотларида ташкил этилаётган тадбирларнинг бош мақсади эканлигини таъкидлади.

Тадбирда бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бирдан-бир муҳим асоси инсон қадри ва унинг манфаатлари эканлиги эътироф этилди. Бунда, энг аввало, юртимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишга барча масъул эканлиги муҳокамалар марказида бўлди.

*– Ишсиз сифатида рўйхатга олинган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар жойига бориб ўрганилганда уларнинг аксарияти норасмий секторда банд эканлиги аниқланмоқда,* – деди Навоий шаҳар ҳокимининг «Кимёгар» МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Ҳуснид-дин Нурматов. – *Жумладан, автомобилларни ювиш шохобчаси, ресторан ва кафе каби умумий овқатланиш шохобчаларида меҳнат қилаётганларга ҳақ кунлик нақд тўланаётганлиги, уларнинг меҳнат шартномаси тузилмасдан фаолият кўрсатиб келаётганлиги маълум бўлмоқда. Шунингдек, айрим тадбиркорлар ўз ташкилотларида мавжуд вакансиялар бўйича Бандликка кўмаклашувчи марказларга маълумотларни тақдим этишмаган.*

Ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида ишсиз хотин-қизларга тикув машиналари тарқатилмоқда. Шу орқали улар “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”дан чиқарилмоқда.

Албатта, бозорни ўрганмасдан туриб рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб, тадбиркорликни бошлаб бўлмайди. Бундай малака ва кўникмага эга бўлмаган айрим хотин-қизларда тикув машиналари ва бошқа техникалар чанг босиб ўтганлиги танқид қилинди.

Айрим ишсиз ёшларга мавжуд вакансиялар асосида 1,5 миллион сўмлик иш жойлари таклиф этилса, улар 3 миллион сўмдан ортиқ маош берадиган иш жойларини талаб этишаётгани ҳам бор гап. Ишга жойлашган баъзи ёшлар етарли даражада касбий билим ва кўникмаларга эга эмаслиги иш берувчиларнинг норозилигига олиб келмоқда.

*– Бугунги даврнинг энг долзарб муаммоси, ёшларнинг аксарият вақти ижтимоий тармоқларда самарасиз ўтмоқда,* – деди Конимех туман кенгаши раиси Қудайимберди Жанхўжаев. *– Билим ва касб эгаллашга кўпроқ эътибор қаратиш бугунги замон талаби эканлигини айрим ёшларимиз ҳис этишмаяпти. Давлатнинг энг муҳим устуни ҳисобланган оилада ҳам бу каби масалаларга баъзи ота-оналар етарли даражада эътибор қаратишмаяпти.*

Тадбир қизғин-баҳс мунозараларга бой тарзда ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволлар юзасидан мутахассислардан жавоб олдилар.

Якунда партия ташаббуси билан ўтказилган бундай конструктив мулоқотлар йилнинг ҳар чорагида доимий ўтказилишига келишиб олинди.

**Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати**

## Депутатлик гуруҳларида

# СПОРТ АНЖОМЛАРИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Депутат ваколати доирасида фаолият олиб борса, сайловчилар томонидан билдирилган мурожаатларнинг ўз вақтида ҳал этилишига кўмаклашса, унга нисбатан одамларнинг ишончи ортиб бораверади. Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари йил бошидан ҳозиргача 15 та жамоат ва турли йўналишларда иш олиб бораётган идораларда, 32 та маҳалла, 25 та корхона, 36 та ташкилот ва 35 та таълим муассасаларида “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси” устувор йўналишлари доирасида “Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш вазифалари” мавзуида маърифий тадбирлар ўтказишди. Учрашувларда Тараққиёт стратегиясининг маънавий ривожланиш масалаларига қаратилган бешта устувор йўналишига доир мақсад ва вазифаларни бажариш ҳақида тушунчалар ҳамда тавсиялар берилди.

“Адолат” СДПнинг “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” лойиҳаси асосида шаҳар Кенгаши ва депутатлик гуруҳи аъзолари жорий йил апрель-май ойларида Қарши шаҳридаги 30 яқин умумтаълим мактабларидаги аҳволни ўрганди. Мактабларда тўпланиб қолган муаммолар, камчиликлар дастлаб халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги тегишли комиссияларда муҳокама қилинди. Ўрганишларимиз натижасига кўра ҳал этилиши лозим бўлган камчиликлар юзасидан тегишли маълумотлар тайёрланиб, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашининг май ойида бўлиб ўтган сессиясига масала киритилди. Сессия қарорига асосан шу кунларда мактаблардаги тўгараклар ишлари, спорт анжомлари таъминоти ва бошқа камчиликлар бартараф этилаяпти.

Партия фаолари ва депутатларимиз кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатишда ҳам алоҳида намуна кўрсатаяптилар. Биргина май-июнь ойларида ўзгалар парваришига муҳтож 102 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди.

Яқинда “Навоий” маҳалласида умргузаронлик қилаётган Бахтиёр Рустамов уй-жой олиш учун субсидия масаласида муаммо бўлаётганлиги юзасидан шаҳар Кенгаши депутати Ҳусниддин Бердимуродовга мурожаат қилди. Ушбу мурожаат Қарши шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамкорлигида ҳал этилди.

**Акмал ҲАЙИТОВ,**
**Қарши шаҳар кенгаши раиси**

## Депутат аралашгач

# Янги МТМ ишга тушди

Мамлакатимизда мактабгача таълим соҳасида эришилаётган ютуқларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу борада партиямиз фаоллари, депутатларининг тинимсиз меҳнатларини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.

Халқ депутатлари Хива шаҳар Кенгаши депутати, тажрибали тадбиркор Мансурбек Маҳмудовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлардан кўпчилик миннатдор.

Яқиндагина депутатимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Шовот туман Бўйрачи қишлоғида давлат-хусусий шерикчилик асосида 200 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Замон талаблари асосида қурилган ва жиҳозланган муассаса келгусида юртимиз корига ярайдиган комил инсонларни тарбиялаб, вояга етказади, албатта.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**
**Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби**

# Муаммолар аниқланиб, вазифалар белгиланди



“Адолат” СДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Ж.Жўраев, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати О.Рафиева ҳамда партиянинг шаҳар кенгаши “Ёш адолатчилар” қаноти раиси И.Сайлиевлар томонидан “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида шаҳардаги “Гулшан” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 68-мактабгача таълим ташкилоти фаолияти, кадрлар салоҳияти, МТТдаги озиқ-овқатлар сифати ҳамда мавжуд муаммолар юзасидан ўрганишлар олиб борилди.

Ўрганишлар жараёнида МТТнинг таъмирталаб ҳолда эканлиги маълум бўлди. Депутат ушбу муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида тегишли ташкилотга депутатлик сўрови юборди.

**Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати**

## Эътироф

**Меҳнат ва ҳаёт тажрибамга таяниб айта оламанки, Тангри таоло суйган бандасига муносиб илм ва ҳунар билан бирга, уларни юзага чиқариб, эл-юртга наф етказиши учун истеъдод, куч-ғайрат, сабр-тоқат ва масъулият, ўз ишига меҳр ва садоқат туйғуларини ҳам ато этар экан. Агар шуларнинг бирортаси бўлмаса, олинган билим, ўрганилган касб-ҳунар қумга сингган томчидек, вақт синовига дош беролмасдан, йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Айнан ўз касбига бўлган меҳр ва садоқат, ўз ишига нисбатан масъулият ҳисси инсонни бир умр ўқиб-изланишга, ҳар қандай қийинчиликка чидаб, бугун – кечагидан, эртага бугунгидан кўра яхшироқ ишлашга ундайди. Ана шундай эътиқод билан яшайдиган ҳар қандай касб эгаси учун меҳнат қандайдир машаққат манбаи эмас, балки ҳаётини безайдиган, ишига, умрига барака берадиган неъматга айланади.**



# МЕҲР ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Бизнинг касб соҳамиз – журналистика оламида ҳам бор билим ва маҳорати, истеъдоди, бутун ҳаётини миллий матбуотимиз ривожига бағишлаган, ўз ишининг чинакам устаси бўлган қаламкашларнинг борлиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Одатда бизнинг қавм – журналист аҳли турли касб эгалари ҳақида таърифу тавсифни аямасдан, кўпу хўп ёзади ва тўғри қилади. Жамиятимизда ёзганларимиздан ибрат олиб, яхшилар кўпайса, ёмонлар эса, ўз қилмишларидан уялиб, инсофга келса, бундан, албатта, ҳамма наф кўради. Ёзганларимиз сабаб “соя”да қолиб келаётган меҳнаткаш, камтарин ва олижаноб инсонлар эл-юрт назарига тушади.

Афсуски, ёзарманларнинг ўзи “парда ортида” қолиб кетадиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳам, бир ҳисобдан, табиий, деб ўйлайман. Чунки оқни – оқ, қорани – қора дегани учун болага ҳеч ким раҳмат, демайди-ку!

Бошқача айтганда, журналист касбининг заҳматини билган – билади, билмаган – билмайди. Муҳаммад Фузулий ҳазратлари айтганларидек, ***шифои васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр...***

Шу сабаб ўз ҳаётининг маъно-мазмуни, қувончи ва бахтини журналистикадек серзаҳмат соҳада деб билган фидойи ҳамкасбларимиз ҳақида фақат касб байрами ёки юбилей кунлари эмас, ҳар доим эслаб, бир-биримизни рағбатлантириб туриш биз – “ҳажр ила бемор ўланлар” учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кўп йиллар давомида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг “ижод цехи”да биргаликда ишлашган ҳурматли ҳамкасбим, таниқли журналист, моҳир муҳаррир, меҳнаткаш ва камтарин инсон Анна Иванова ҳақида ушбу мақолани иншо қилмоққа киришар эканман, ушбу касбнинг заҳмати, машаққати ва масъулиятини яна бир бор чуқур ҳис этдим.

Бундан роппа-роса олтмиш йил олдин Тошкент шаҳрининг Чилонзор даҳасида, зиёлилар оиласида туғилган Аннахон журналистлик орзуси кўнглига тушиб, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети (собиқ ТошДУ)нинг журналистика факультетида таҳсил олади. Олий маълумотли журналист дипломига эга бўлган нозик-ниҳол қизалоқ ўша пайтда республиканинг энг нуфузли расмий ахборот муассасаси бўлган ЎзТАГ ташкилотига ишга келади. Турган гапки, бундай нуфузли идорага ҳар кимни ҳам ишга олишавермас эди. Аён бўладики, Анна Иванова талабалик давридаёқ ўзининг оғир-вазминлиги, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга жиддий ва масъулият билан муносабатда бўлиши, уларни ёритишдаги тезкорлиги, аниқ ва қисқа ифода услубига эга экани, тиришқоқлиги ва изланувчанлиги билан сабоқдошлари орасида алоҳида ажралиб турган. Ёш журналистнинг кейинги қизғин фаолияти буларнинг барчаси унга хос қатъий фазилатлар эканини кўрсатди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, Анна Иванова иш олиб бораётган агентлик Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА сифатида қайта ташкил этилгач, жонкуяр ҳамкасбимиз фаолиятида мутлақо янги давр бошланди, десак, муболаға бўлмайди. У кунларни тунларга, тунларни тонгларга улаб ишлашдан завқ олар, ҳориб-чарчаганига қарамасдан, янги топшириқни эшитиб, ҳеч қачон оғринмас эди. Ишга эрта келиб, кеч кетадиган бундай ҳамкасбимизни бутун меҳнат жамоамиз – бош директордан тортиб, оддий мусаҳҳиҳ ва ҳарф терувчиларгача ҳурмат қилар, уни агентликнинг фахри деб билarди.

“Аннанинг куч-ғайратга, сўзларни ҳис этиш қобилияти, ифода услубига қойил қоламан! – дерди кўпни кўрган оқсоқол журналистларимиз. – Мақолани қўшиқдек силлиқ ва равон қилиб ёзади, ўқиб яйраб кетасиз!”

Яна у ҳақда гап кетса, “зарур ахборот ёки маълумотни олиш учун ҳар қандай эшикни очиб, ҳар қандай одамнинг кўнглига йўл топа олади”, “бу зукко опамиз учун ёзилмайдиган мавзунинг ўзи йўқ”, “ҳар қандай муаммони ҳам йўлини топиб, ўқувчига етказа олади” деган фикрлар, таърифу тавсифлар айтилганини кўп эшитганман.

Ватанимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларда, бозор иқтисодиёти сари йўл тутилиб, жамиятда ўтиш даври қийинчиликлари бошлангач, босар-тусарини билмасдан, бошини ҳар ёққа урганлар ҳам бўлди. Юриш-туриши омонат одамларнинг баъзилари – Ғарб, айримлари – Шарқ, яна кимлардир Шимол сари юзланди. Нима ҳам дердик, эркинлик шабадалари эса бошлагач, ҳар ким кўнглига сиққанини қилади-да!

Лекин ҳамма ҳам кўклам ҳавосидек беқарор эмас. Ҳар қандай моддий бойлик ва неъматдан ҳам ўзининг касби, халқи ва Ватани олдидаги бурчи ва масъулиятини баланд қўядиган, ўз аҳди, мавқеи ва субутида содиқ турадиганлар ҳам бор. Бунга Анна Иванованинг ўша пайтдаги танлови яққол мисол бўла олади. У турли ҳою ҳавас ва қутқуларга учмади. Ўша-ўша ўқувчилари билган, эл билган Анна Иванова бўлиб қолди. Узоқ-яқиндаги баъзи йирик нашриёт ва таҳририятлардан ваъда қилинган дурустгина лавозим, мўмайгина маош, қулайгина уй-жой ҳам унинг қарорини ўзгартира олмади. Профессионал журналист ва муҳаррир сифатида шакллантирган қадрдон даргоҳи – ЎзАдаги мўъжазгина хонасини, одмигина курсисини ҳеч қандай бойликка алмаштирмади.

Бугун катта ёшдаги қалам аҳли ҳақида гап очилса, бир фикрни боз таъкидлаш адолатдан бўлади, деб ўйлайман. Бу авлод вакиллари мустақил Ватанимизнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, халқаро ахборот майдонидаги нуфузини юксалтириш, истиқлолимизнинг мафкуравий, ғоявий асосларини мустаҳкамлашдек шарафли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ижодкорлардир. Анна Иванова – ана шу қавмнинг энг муносиб ва ёрқин вакилларидан биридир.

Албатта, ЎзАда ишлаган кезларимиз биз, “инжиқ” муҳаррирларга, Анна Иванованинг материалларини ўқиш ёқарди. Ҳамиша тандирдан энди узилган нондек тансиқ ва ўқишли бўларди. Бир нафасда ўқилади ва таржима қилинади, газеталар “кўзига суртиб” чоп этади, теле-радиоканаллар эфирини тўлдиради. Баландпарвоз гаплардан узоқ, қисқа, лўнда, пишиқ-пухта, ишончли ёзилади. Изоҳу саволга, таҳрирга ҳеч қачон эҳтиёж бўлмайди. Икки оёғи бир этикка тиқилиб турганида муҳаррир зоти учун бундай материал – жоннинг роҳати эмасми?

Кутилмаган сафарлар, долзарбдан-долзарб мақолалар, репортажлар, интервьюлар эса ахборот агентлиги фаолиятига хос қайноқ, лекин одатий жараён. Хос мухбирларнинг сафар халтаси доим тайёр туради.

“Эртага – фалон жойда муҳим тадбир. Ким боради?” деб гап бошласангиз, айрим йигитлар нигоҳи билан ер чиза бошлайди. Европа мамлакатларига хизмат сафари ёки сайру саёҳат эмас-да. Расмий тадбир. Тоғдек масъулияти, юки бор. Шунда биз нозиккина, ойнаги қалингина, камсуқум ҳамкасбимизга қараймиз: “Сиз нима дейсиз, Анна Витальевна?” “Бош устига!”

Бу зиёли оилада туғилиб камол топган Аннанинг ҳалимлигию юввошлигидан эмас, яхши тарбия олганидан, меҳридан. Ўз касб-корига, она Ватани – Ўзбекистонга муҳаббатидан.

Агентликда у қарийб ўттиз йил давомида тузук-қуруқ таътилга чиқиб, эл қатори дам олганини эслай олмайман. Қачон қарасангиз, куйиб-пишиб, елиб-югуриб юрганини кўрасиз. “Фанлар академиясига интервьюни тасдиқлатиш учун боргандим, зўр гаплар бор!”

Яна бир гал сўрасангиз, бемор онасига камёб дори тополганидан севинчи ичига сиғмаётган бўлади. Шунда унинг аёл киши экани, оиласи, рўзғори, турмуш ўртоғи, бола-чақаси, кексайиб қолган волидаси борлигини ва бу борадаги ташвиш ва муаммоларни ҳам матонат билан енгиб, ибратли уй бекаси, меҳрибон фарзанд, ғамхўр она сифатидаги бурчини ҳам сидқидилдан адо этишга вақт ва имкон топиб келаётганини ўйлаб, ушбу ҳамкасбимизга яна бир бор тан берамиз.

Аннахон ҳар бир ишни меҳр, эътибор ва масъулият билан бажаради. Каттаю кичик, расмий ёки норасмий ҳар бир материал ва ахборотни қалб қўрини бериб ёзади. Камоли диққат билан таҳрир қилади. Оҳори кетмаган жумла ва ибораларни топади. Топганида, азбаройи қувонганидан кўзларига ёш ҳам қалқийди.

“Барака топсин, чин дилдан ишлайди”, дейишади ҳамкасблари у ҳақда.

“Мен, албатта, ўзбек тилининг билимдони эмасман, – дейди баъзан Анна Витальевна. – Лекин, назаримда, фалон мақоланинг фалон бетидаги “сурат” сўзи жойига тушмаганга ўхшайди. Сурат эмас, суръат юксалади, тўғрими?”

Яна бир ойдинлик: Анна Иванова миллий журналистика соҳасидаги барча йирик танловларнинг ғолибаси: “Энг фаол журналист”, “Энг улуғ, энг азиз”, “Олтин қалам”. Нуфузли давлат мукофотларининг – “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони, “Шуҳрат” медали соҳибаси.

*Куни кеча эса давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мукофотланган соҳа ходимлари қаторида жонкуяр касбдошимиз, “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган Анна Иванова ҳам борлигини кўриб, жуда қувондик. Меҳнатга яраша рағбат деганлари шу-да, муборак бўлсин!*

**Қулман ОЧИЛ**

## “ADOLAT” шарҳи



# Дарсликлар, кундаликлар, мактаб дафтарларида ТОВАРЛАРНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШ МУМКИН ЭМАС

**Мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус ва професcионал таълимда фойдаланиладиган босма нашрларда (дарсликлар, мактаб кундаликлари, мактаб дафтарлари ва бошқаларда) товарларни реклама қилиш тақиқланади. Бундай тартиб 2022 йил 7 июнда қабул қилинган “Реклама тўғрисида”ги қонунда белгиланди.**

**Бундан ташқари, қонун билан яна бир қанча чекловлар ўрнатилиб, рекламада қуйидагилар тақиқланди:**

***жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб, бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёки ўзга шахсларнинг товарларини бадном қилиш;***

***қонунчиликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек, хавфсизлик воситаларига эътиборсиз бўлишга ундовчи ҳаракатларга даъват қилиш;***

***агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бошқа товар рекламасида қўлланиладиган ёки видео ва кино маҳсулотларида, шунингдек, бошқа илм-фан, адабиёт ва санъат асарларида (муаллифлик ҳуқуқи), эфир ёки кабель орқали кўрсатувлар (эшиттиришлар) берувчи ташкилотларнинг ижроларида, фонограммаларида фойдаланиладиган умумий ечимни, матнни, тасвирни, мусиқали ёки овозли эффектларни айнан такрорлаш;***

***жисмоний шахснинг номидан ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш;***

***порнография тусидаги ахборотдан фойдаланиш;***

***ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган чет эл сўзлари ва ибораларидан фойдаланиш;***

***товар давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш;***

***товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) реклама қилиниши тақиқланган ёхуд реклама қилинишига нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган товарнинг товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа товарнинг рекламаси кўринишида товарни реклама қилиш;***

***давлат рамзларидан, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвиридан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оҳангидан фойдаланиш ёки уларни айнан такрорлаш;***

***мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълимда фойдаланиладиган босма нашрларда (дарсликлар, мактаб кундаликлари, мактаб дафтарлари ва бошқаларда) товарларни реклама қилиш;***

***нархларни (тарифларни) чет эл валютасида кўрсатиш;***

***болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ахборот маҳсулотини ёш таснифини кўрсатмасдан реклама қилиш;***

***товар тўғрисидаги, уни олиш ёки ундан фойдаланиш шартлари ҳақидаги муҳим маълумотларни яшириш ва (ёки) ўқиш учун фарқлаб олишни қийинлаштирадиган қилиб тасвирлаш, агар бунда ахборотнинг мазмуни бузиб кўрсатилса ва рекламадан фойдаланувчиларни чалғитса;***

***миллий ва оилавий анъаналарга, шунингдек, ахлоқ ва маънавиятнинг умум қабул қилинган нормаларига зид бўлган шакллар, иборалар ва образлардан фойдаланиш.***

Мазкур қонун билан рекламалар аксилреклама, ахлоқсиз реклама, номақбул реклама, нотўғри реклама, ташқи реклама, уйғунлаштирилган реклама, яширин реклама, қиёсий реклама ҳамда ҳомийлик рекламаси каби турларга ажратилиб, ҳар бир рекламага хос бўлган талаблар белгилаб қўйилди.

Қонунга мувофиқ, вояга етмаганларнинг ишончини ва тажрибаси етишмаслигини суиистеъмол қилишдан ҳимоя этиш мақсадида рекламада, жумладан, қуйидагилар тақиқланади:

***хавфли вазиятларда, шу билан бирга уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан, ўз соғлиғига зарар етказишга ундовчи вазиятларда вояга етмаганларни намойиш этишдан фойдаланиш;***

***ота-оналар ва тарбиячиларни обрўсизлантириш, вояга етмаганларнинг уларга бўлган ишончига путур етказиш;***

***вояга етмаганлар олиши ёки истеъмол қилиши тақиқланган товарларни вояга етмаганлар учун мўлжалланган телеканалларда, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда реклама қилиш.***

Шунингдек, рекламанинг айланиши учун белгиланган барча талаблар ижтимоий ахборотнинг айланишига нисбатан қўлланилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар ижтимоий ахборотнинг реклама берувчилари бўлиши мумкин.

Қонунга асосан, қимматбаҳо совринлар тарқатиладиган ва (ёки) ўйналадиган рағбатлантирувчи акцияларни ёхуд ушбу акцияларда иштирок этиш учун рекламадан фойдаланувчи томонидан бирор-бир ҳаракатлар амалга оширилишини назарда тутадиган рағбатлантирувчи акцияларни ўтказиш чоғида реклама берувчи рағбатлантирувчи акцияни ўтказиш бошлангунига қадар оммавий ахборот воситаларида ва (ёки) эркин фойдаланиладиган интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ахборот ресурсларида акцияда иштирок этиш шартларини эълон қилиши шарт.

Бундан ташқари, дори воситаларини реклама қилишда таниқли шахсларнинг, тиббиёт ходимларининг ёки ташқи кўриниши шифокорларнинг ташқи кўринишига ўхшаш шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади.

Телеканаллар эфирида, теле, видео, кинохроникали дастурларда тарқатилаётган рекламанинг умумий давомийлиги кўрсатув вақтининг 1 соати давомида 20 фоиздан, бироқ бир суткада кўрсатув вақтининг 15 фоизидан ошиши мумкин эмас. Ушбу талаб фақат реклама теледастурларига ихтисослаштирилган телеканалларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Давомийлиги 10 дақиқадан кам бўлган телекўрсатувларни реклама билан узиб қўйишга ва реклама билан бирга намойиш этишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, қонунда қимор ўйинлари ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган қимор ўйинлари рекламасига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Лотереялар рекламаси ҳар бир ҳолда вояга етмаганларнинг лотореяда иштирок этишига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги огоҳлантириш билан бирга берилиши керак.

**Мақсуд МУСТАФОЕВ,**
**«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими**



# ОДАМ САВДОСИ – АСР МУАММОСИ

**Жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган XXI асрнинг жиддий муаммоларидан бири бўлган одам савдоси терроризм, наркотрафик иллатини ҳам ортда қолдирмоқда. Шу туфайли ушбу жиноятга нафақат миллий қонунчилик доирасида, балки халқаро ҳуқуқнинг ҳам долзарб масаласи сифатида қаралмоқда.**

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, бугун дунёда 21 миллион киши мажбурий меҳнатнинг жабрланувчилари ҳисобланади. БМТ маълумотларида одам савдоси қурбонларининг 71 фоизини аёллар ва болалар ташкил этиши айтилади.

Афсуски, меҳнат миграцияси ҳамда ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган жиноятчи гуруҳларга ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бермоқда. Шу туфайли бу иллат билан курашишда нафақат халқаро ҳамкорлик доирасида амалий ишлар йўлга қўйилган, балки миллий қонунчилигимизда ҳам қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланиб, чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Одам савдосига қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг мақсади мазкур жиноятга қарши курашишга боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этиш, шу билан бирга, давлат органларининг бу борадаги ваколатларини кафолатлашдан иборат. Қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, шу мақсадда Республика идоралараро комиссиясини ташкил этиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш (тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа) ҳамда ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар белгиланган. Қонунга мувофиқ, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш – одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш ҳамда чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни ўз ичига олади. Шунингдек, республикамизда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда. Идоралараро комиссиянинг вазифаларидан бири – бу давлат органларининг одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш йўналишидаги фаолиятини бирлаштириш ҳисобланади.

Жиззах вилояти маъмурий суди ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда тегишли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида узоқ муддатга ишлаш мақсадида хорижга кетаётган фуқаролар ўртасида йиғилишлар ўтказилиб, хорижда ишлашнинг ҳуқуқий асослари, одам савдоси жиноятларининг замонавий кўринишлари, бундай ҳаракатларни амалга оширишда ҳуқуқбузарлар томонидан қўлланилаётган усул ва воситалар тўғрисида тушунтиришлар берилди, одам савдоси жиноятининг салбий оқибатлари акс эттирилган буклетлар тарқатилди. Шунингдек, туман-шаҳар маҳалла фаоллари иштирокида “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзусида учрашувлар ва профилактик суҳбатлар ўтказилиб келинмоқда.

Мазкур саъй-ҳаракатлар замирида ўсиб келаётган келажак авлоднинг Ватанга бўлган муҳаббати, илм-маърифатга қизиқиши билан бир қаторда, аср муаммосига айланган жиноятларга қарши иммунитетни шакллантириш, мажбурий меҳнат қурбонига айланиб қолмаслиги учун тушунтириш орқали ҳуқуқий онгини ошириш ётади.

**Аъзам САЙФИТДИНОВ,**
**Жиззах вилоят маъмурий суди судьяси**

Хотира уйғонса гўзалдир

# ТИЛАК ЖЎРАНИ ЙЎҚЛАБ...

**Бухоролик сухандон дўстларимиз Руқиябону ва Бобомурод Эшшиев таклифига кўра бир гуруҳ наманганликлар – халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг опаси Гулчеҳра Турдиқулова, ҳофиз Абдунаби Мамажонов, ижод аҳлининг жонкуяр тарғиботчиси Аъзамжон ҳожи Мамажонов, у кишининг қизи Насибахон ва камина Бухорои шарифга ижодий сафар қилдик. Сафаримизнинг дастлабки куни таваллудининг 75 йиллиги нишонланаётган шоир ва таржимон, адабиётшунос олим Тилак Жўра хонадонига ташриф буюрдик. Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф каби Тилак Жўра ҳам ўзидан ёрқин из қолдириб, 47 ёшида фоний дунёдан боқий дунёга кетганлардан бири...**



СУРАТДА (ЧАПДАН ЎНГГА): ТИЛАК ЖЎРА, МАШРАБ БОБОЕВ, НЕЪМАТ АМИНОВ, НОРТЎХТА ҚИЛИЧЕВ

Сайёд қишлоғининг яшил далаларига, ундан нарёғи бепоён чўлларга туташиб кетган очиқ осмон остидаги Тилак Жўра хонадонида бизларни марҳум шоирнинг турмуш ўртоғи Кумуш биби ва унинг фарзандлари кутиб олишди. Йўлакда Гулчеҳра опа ва Кумуш биби худди узоқ вақт кўришмаган опа-сингиллардай бир-бириларини соғинчдан куйган бағирларига босишди. Жондан азиз укасидан айрилган Гулчеҳра ва севимли ёрини эрта йўқотган Кумуш опанинг кўзларидан шашқатор бўлиб оққан ҳасрат ёшлари бир-бирига уйқашиб кетди.

Кумуш биби шу қадар вафодор, шу қадар соддадил эканки, Тилак Жўрасидан айрилиб қолганига ҳали ҳам ишонмайди. Эридан қолган улкан бисотни кунботар томондаги торгина уйчада йигирма саккиз йилдан бери кўз қорачуғидай асраб келмоқда экан. Бу бисотда шоирнинг оммага етиб бормаган талайгина илмий ишлари, шеърлари, таржималари тахланиб ётибди. Куюнчак ўғли Орифжон ҳаммасини кўз ўнгимизга келтириб қўйди. Қўли калта бўлгани учун уларни чоп эттиришга кучи, қурби етмаётганини очиқ айтди. Қани энди сахий, савобталаб, шоирнинг мероси қадрини билган маънавий бой киши бўлса-ю, кўпчиликнинг бошини қовуштириб, шу ҳовлида Тилак Жўранинг уй-музейни қуриб берса, деган ўй-хаёлларга бордик. Чунки оила аҳлининг айтишича, шоирни хотирлаб хориждан, мамлакатимизнинг турли гўшаларидан унинг ихлосмандлари келиб турар экан. Шундай машҳур шоири бор элнинг ҳотамтойлари ҳам бор, албатта. Кумуш опа ва фарзандлари, ўндан зиёд набираларига армон бўлиб келаётган бу орзу вақт келиб амалга ошишидан умидвор бўлдик. Чунки миллат дардини, қайғусини елкасида кўтарган, қабоҳат ваҳмини, қаноат заҳмини ўз кўзи билан кўрган, шеърга солган Тилак Жўранинг ҳурматини ўз ўрнига қўйиш ҳаммамизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Қоркўл тумани ҳокими Хуршид Тоҳиров билан учрашган чоғимизда фикрларимизни ўртага ташладик. Ҳоким бу эзгу ишга киришилгани, туман марказида шоирнинг уй-музейини барпо этиш устида саъй-ҳаракат бошланганлигини айтди.

***«Агар одамзод наслидан фаришта чиқса, шу бизнинг Тилак Жўра фаришта бўлса керак. Э, бунинг ҳалимлиги... Э бунинг кулишлари...»,*** деб таъриф берганди Тилак Жўрага бир пайтлар устози, профессор Ғайбулла ас-Салом.

***«Шоир Тилак Жўра шеърлари ўзидай содда ва мазмунли эди, ёзгани ҳамон тоза, ҳамон юракка яқин»,*** деб ёзганди мунаққид Нажмиддин Комилов.

Биз сафаримиз давомида қадим Бухоронинг минорлари, арки, мадрасалари, улуғ боболаримиз абадий қўним топган манзилларида бўлдик. Ҳовузларидан сув ичдик. Навқирон Бухоронинг кўркам шаҳар ва қишлоқларини сайр қилдик, қалби дарё кишилар хонадонларида меҳмон бўлиб, неъматларидан татиб кўрдик. Машҳур курашчи Турсун полвон сулоласи мажмуасида бўлиб, ўн бир карра халқаро турнир ғолиби бўлган Нурмуҳаммад отанинг суҳбатини олдик. Шофиркон, Олот ва қоракўллик шоир ва ёзувчилар Юсуф Рўзи, Бобоқул Усмон, Карим Зулфиқор, Алишер Обиджон, Абдунаби Ҳамро, Ғофиржон Қурбонов, Комилжон Ҳайитов, Жўра Ҳамроев кабилар билан шеърхонлик қилдик, дилдан суҳбатлашдик. Давраларда Тилак Жўра ва Муҳаммад Юсуфнинг шеърларидан намуналар ўқилди, куй-қўшиқлар янгради.

Хуллас, Бухородан бир олам таассуротлар билан қайтдик. Хайрлашиш онларида адабий, маърифий алоқаларни давом эттириш, биргаликда маданият кунларини ўтказишга келишиб олдик.

**Муҳиддин ОМАД,**
*Косонсой тумани*

Молия муассасаларида




# Йирик гилам ишлаб чиқариш фабрикасини молиялаштирмоқда



Тадбиркорлик, айниқса, маҳсулотнинг бир жойдан иккинчи бир тарафга сотилишини таъминлашда воситачилик қилиш осон эмас. Ундан кўра, бозорни ўрганиб, талаб ва таклиф асосида тайёрланган маҳсулотни харидорга таклиф қилиш ҳар тарафлама қулай. Ана шундай фикрлар инсонлардаги ташаббускорликликни ривожлантириши сир эмас.

Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида "TERMEZ NATIONAL CARPETS" МЧЖ ҳам ана шундай изланувчан инсонлар туфайли барпо этилди. 22,2 миллион евролик лойиҳа учун Агробанк томонидан 15,5 миллион евро маблағ ажратилиши эса тадбиркорга қанот бағишлади. Натижада йилига 4,5 миллион кв.м. ўлчамдаги гилам ишлаб чиқариш қувватига эга фабрика ишга туширилди.

Яқинда айнан Агробанк томонидан вилоятга уюштирилган пресс-тур давомида мазкур йирик лойиҳа билан бевосита жойида танишиш имконияти яратилди.

– *Биз Афғонистон ва Тожикистоннинг гиламга бўлган эҳтиёжини, чегарадош бўлганимиз учун логистика хизматларини ҳам кўп қимматга тушмаслигини ҳисоблаб кўрдик,* – дейди фабрика раҳбари Собир Раҳмонов. – *Қирғизистон ва Россияни ҳам ҳисобга олганмиз. Маҳсулотларимизни сотадиган бозор етарли. Биз, энг аввало, ускуналар харид қилдик. Корхонамизда Бельгия ва Германиянинг энг илғор ва замонавий гилам ишлаб чиқариш жиҳозлари ўрнатилган. Шу сабабли маҳсулот сифати юқори. Бу эса, ўз навбатида, гиламларимизни нафақат ички бозор, балки қўшни давлатларга экспорт қилишда қўл келмоқда.*

Дарҳақиқат, олти гектар майдонда жойлашган фабрика тайёр маҳсулотларининг 45 фоизини қўшни давлатлар – Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилмоқда. Вилоятнинг географик жойлашуви эса масофа ва маҳсулот логистикасига қулайлик яратмоқда.

Фабрикада маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган гранулалар Қорақалпоғистон Республикасидан олиб келинади. Уларга турли ранглар қўшилади. Аввало, хом ип ишлаб чиқарилади, кейин йигирилиб, тайёр ип ҳолатига келтирилади. Сўнгра тўқув станокларига иплар жойлаштирилади. Шу тариқа маҳсулот конвейер усулида сотувга тайёрланади.

– *Ҳозирча 8 турдаги гилам тайёрланмоқда,* – **дейди корхона бош технологи Камол Алиев.** – *Биз аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Ўртача нархларда, ҳамма харид қила оладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараяпмиз. Яқин кунларда фабриканинг иккинчи босқичини ҳам ишга тушириш мўлжалланмоқда.*

Айни вақтда корхонада 250 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йиллик маҳсулот сотуви 34,1 миллион евро, соф фойда миқдори эса 5,6 миллион евродан ортиқ бўлиши кутилмоқда.

**Пресс-тур давомида лойиҳанинг бошқа эътиборга молик жиҳатлари, ишлаб чиқариш жараёни, хусусан, хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичлар батафсил тушунтирилди. Шунингдек, бу жараёнда Агробанк йўналтирган маблағларнинг муҳимлиги, вилоятда молиялаштирилаётган ана шундай бошқа йирик лойиҳалар ҳақида ҳам маълумотлар тақдим этилди.**

**Агробанк АТБ Матбуот хизмати**







Ҳикмат

# ҚАНОАТ ҚИЛ...



**Буюк ёзувчи Лев Толстой 22 ёшида ўзи учун ҳаётий тартиб-қоидалар тузади ва унга бутун умр амал қилади. Ирода, фаоллик, хотира ва ақлий қобилиятни ривожлантирадиган бу йўриқлар сизу бизга ҳам фойда бериши аниқ.**

- *Ҳар қандай жисмоний машаққатга чида, қийналганингни бошқаларга билдирма.*
- *Ҳар кун ўз тилингда бемаъни шеър бўлса ҳам ёдла.*
- *Қўлингдаги мулкнинг ўндан бирини эҳсон қил.*
- *Ўн баробар бойиб кетсангда, ҳаёт тарзингни ўзгартирма.*
- *Ҳар қандай нарсага ҳар томонлама назар сол – фойдасини ҳам, зарарини ҳам ўйлаб кўр.*
- *Ўзинг билмаган ёки ёқтирмайдиган одамларнинг ақтовини олишга уринма.*
- *Ҳар тонг кунлик режа туз ва уни, албатта, бажар.*
- *Бошқаларнинг сен ҳақингда мулоҳазаларни ўйлаб юргандан кўра ўз устингда кўпроқ ишла.*
- *Шуҳрат учун сарф-харажат қилма.*
- *Ўзинг учун иложи борича кўп машғулот ўйлаб топ.*
- *Бир ўзинг якунлашинг мумкин бўлган ишга ёрдамчи талаб қилма.*
- *Ҳеч қачон ҳиссиётларингни ошкор қилма.*
- *Яқин кишингни ўзингдай яхши кўр, икки яқин кишингни эса ўзингдан ҳам кўпроқ яхши кўр.*
- *Иложи борича кам ухла.*
- *Ҳар тун кундузи ўрганганларингни такрорла.*
- *Ортиқча нарсангни ўзинг учун эмас, жамият учун ишлат.*
- *Яхшилик қилишга имкон изла.*
- *Яхши бўл ва яхши эканингни ҳеч ким билмаслигига интил.*
- *Ҳаммани бирдай яхши кўр, бу муҳаббатдан ўзинг ҳам четда қолма.*
- *Элнинг муҳаббати учун майда туйғулардан воз кеч.*
- *Шароит қанча ёмон бўлса, ҳаракатни шунча кучайтир.*
- *Бор нарсаларга қаноат қил.*
- *Бирор ишни бошласанг, охирига етказмай ташлаб кетма.*
- *Яқинларингнинг ҳаёти ширин бўлишига ҳисса қўш.*

Тўпловчи Муҳиддин ОМАД

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Котибият — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

info@adolatgzt.uz
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 700

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади – 1334
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 22.00
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.